ЎЗБЕКИСТОНДА 1925-1929 ЙИЛЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИГА ЯНГИЧА НАЗАР

М. АСҚАРОВ

В статье изучены итоги земельно-водной реформы, проводившейся в 1925-1929 годах в Узбекистане. Анализированы сущность реформ и его негативные последствия.

The article studies the results of land-water reform conducted in 1925-1929 in Uzbekistan. Essence of the reform, and its negative consequence have been analyzed as well.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг 1920-1930 йиллар воқеаларини янгича мушоҳада этиш, кечган жараёнларни танқидий ўрганиш, совет ҳокимияти томонидан ўтказилган турли "социалистик ўзгартиришлар"ни холисона ёритиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада амалга оширилган ана шундай ўзгартиришлардан бири 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳотидир. Бу сиёсат ўзида бир қатор зиддиятли жараёнларни жамлаганки, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тарихшуносликнинг муҳим масалаларидан бири саналади.

Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳотининг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон Компартиясининг II съездида (1925 йил ноябрь) тасдиқланди. Унда зудлик билан "Ўзбекистон ССР ҳудуди доирасидаги ер ва сувни национализация қилишга киришиш, ердан фойдаланувчи йирик хўжаликлар гуруҳини тугатиш"га даъват этилган эди. Майда деҳқон хўжаликларининг доимий ёлланма ишчилар ва чорикорлар жалб қилмасдан ишлов берадиган ер майдонлари уларга бириктириб қўйиладиган ер нормаси сифатида белгиланди [2.238-242]. 1925 йил 2 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг фавқулодда сессиясида "Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида" ва "Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида" декретлар қабул қилинди. Декретларнинг биринчисида "бутун ер, ўрмон, сув, Ўзбекистон ССР ҳудудидаги ер ости бойликлари ЎзССРнинг давлат мулки ҳисобланади" деб таъкидланган эди. Иккинчи декретга кўра, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 50 десятинадан ортиқ ери бўлган "помешчик типидаги" хўжаликлар, Фарғона вилоятида эса 40 десятинадан ортиқ ерга эгалик қилаётган хўжаликларнинг ерлари, ишчи ҳайвонлари давлат фойдасига тўла мусодара қилиниши кўзда тутилган эди. Шунингдек, "қулоқ" хўжаликлар ерлари 7 десятинагача қисқартирилиши лозим эди [2.244-246].

1925 йил 12 декабрда ЎзССР МИҚ Президиуми ер-сув ислоҳотини ўтказиш тадбирлари бўйича қарор қабул қилди. 15 декабрда эса ЎзССР МИҚ йирик хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва ишчи ҳайвонларни ер тақсимланадиган деҳқон хўжаликларига мажбурий сотиш ҳақидаги қарорни ҳам тасдиқлади. Бу қарорда ердан фойдаланиш меъёрлари ҳам белгиланди. Бунга кўра, Фарғона области бўйича битта хўжалик учун ер ҳажми 7 десятина, Тошкент ва Самарқанд областлари учун 10 десятина қилиб белгиланди.

ЎзССР Ер-сув ишлари халқ комиссариати 1924-1925 хўжалик йилида Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида "бойлар қўлидаги ерлардан" ташқари қуйидаги ер ресурслари борлигини аниқлади: эгасиз ётган ерлар – 10391 десятина, миллийлаштирилган (давлат ҳисобига ўтказилган) ерлар – 7370 десятина, вақф ерлари – 48305 десятина, давлат ерлари – 3246 десятина, жами – 69314 десятина [3.86].

Фарғона вилоятида ер-сув ислоҳотини ўтказиш натижасида жами 239607 таноб ёки 40000 десятина давлат тасарруфидаги, вақф ва бошқа ерлар ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб бериш учун ташкил қилинган ер фондига қўшилди [2.257].

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш босқичма-босқич амалга оширилди. Иккинчи босқич – 1926-1927 йилларда ислоҳот Зарафшон вилоятида ўтказилди. Бу тадбир Ўзбекистон ҳукуматининг 1926 йил 16 декабрдаги "Зарафшон вилоятида ер-сув ислоҳоти тўғрисида"ги декрети асосида амалга оширилди. Зарафшон вилояти Бухоро Республикасининг Ўзбекистонга қўшилган ҳудудининг марказий қисмида (ҳозирги Бухоро ва Навоий вилоятлари ўрнида) ташкил қилинган эди.

Зарафшон вилоятидаги ислоҳотнинг Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларидаги ислоҳотлардан фарқи шундаки, унда ерсиз деҳқонларга тақсимлаш учун ташкил қилинган ер фондига фақат меҳнаткаш деҳқонлар фойдаланмаётган вақф ерлари киритилган. Ер-сув ислоҳоти натижасида Зарафшон вилоятидаги ер фондига жами 32230 таноб ер киритилди, шундан 12850 таноби давлат ер мулки, 83 таноби эса вақф ерлари эди [4.14].

Аслида Бухоро Республикасининг энг унумдор

ерларини ўз ичига олган Зарафшон вилоятида вақф ерлари Фарғона вилоятига нисбатан анча кўп бўлган. Фарғона вилоятида ҳисобга олинган жами вақф ерлари 31593 десятинани ёки 189558 танобни ташкил қилган. Бухоро республикаси ҳудудида эса жами вақф ерлари 488265 таноб*, шундан 27037 таноби маданий-маърифий вақф ерлари бўлган [5.179].

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотининг якуни 1928-1929 йилларда Қашкадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида амалга оширилди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети 1928 йил 1 ноябрда "Ўзбекистон ССР Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатиш тўғрисида" ва 1928 йил 2 декабрда "Хоразм округида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатиш тўғрисида" декретлар қабул қилди. Республиканинг большевиклар раҳбарлигидаги ҳукумати бу округларда вақф ерларини тугатиш масаласига ҳам ўзига хос равишда ёндашди. Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон ССР МИК ва ХКСнинг 1927 йил 15 августдаги қарорига асосан диний вақф ерлари ҳам давлат мулки деб эълон қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, ҳар иккала қарорда шундай жумлалар бор эди: "Ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш фондига қуйидаги ерлар ўтказилсин: ... б) собиқ маданий-маърифий ва диний вақфлар" [6].

Маълумотдан кўриниб турибдики, бу округларда, аввалроқ ер-сув ислоҳоти ўтказилган вилоятлардан фарқли равишда, маданий-маърифий вақфлардан ташқари диний, яъни масжидлар вақф ерлари ҳам мусодара қилинган ва давлат ер фондига ўтказилган. Шунингдек, бу декретларда йирик руҳоний хўжаликларига тегишли ерларни ҳам миқдоридан қатъи назар тўла мусодара қилиш ва давлат ер фондига ўтказиш кўзда тутилган.

"Камбағал деҳқон" газетасининг 1928 йил 14 декабрь сонидаги аҳборотда шундай дейилади: "Барчаси бўлиб Сурхондарё округида 671 меҳнатсиз рўзғор тугатилиб, буларнинг 11947 десятина сувли ва 7921 десятина баҳорикор ерлари олинатурғон бўлди. Бу ҳисобга декрет бўйича олиниб, камбағал ва батракларга бўлиниб бериладиган 10022 десятина ҳукумат ҳамда вақф ерлари, қочоқларга қарашли ва эгасиз ётқон ерлар борким, буларнинг 6167 десятинаси сувли ва қолган 3855 десятинаси баҳорикор ерлардир" [6].

Ер-сув ислоҳотининг якунларидан бири шу бўлдики, Ўзбекистонда ерсизликка қисман барҳам берилди, лекин ислоҳот ерсизлик ва кам ерлилик муаммосини тўла ҳал қилмади. Чунки мусодара қилиш ва бошқа йўллар билан ташкил қилинган ер жамғармасининг фақат 10 фоизигина ерга муҳтож деҳқонларга тақсимлаб берилди, қолган ерлар эса колхоз ва совхозлар ихтиёрига берилди. Ислоҳот давомида кўплаб ноҳақликларга йўл қўйилди. Аксари ҳолларда ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам тугатиб юборилди. Кўпинча ўртаҳол деҳқонларнинг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши ҳам бу хўжаликнинг тугатиб юборилишига асос бўлар эди.

Ўтказилган ер-сув ислоҳоти натижасида пахта якқаҳокимлиги қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан тиқиштирилди. Натижада қишлоқда яшовчи хўжаликларнинг шахсий томорқалари 10 танобдан 6-4 танобга тушиб қолди. Хўжаликларда оилалар сонининг ўсиши томорқадан эҳтиёж даражасида фойдаланиш имконини чеклаб борди, чорва ҳайвонларини боқиш қийинлашиб қолди. Бутун эътибор пахта етиштиришга қаратилди. Бунинг оқибатида эса республикада гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди; республиканинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди; илмий асосланган алмашлаб экиш жараёни бузилди; ернинг тинка-мадори қуриб, ҳосилдорлик мутассил равишда пасайиб борди; сув манбаларининг имкониятлари тобора камайди.

Ушбу ҳолатларнинг қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсири натижасида республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш қисқариб борди ва аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди.

Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳотининг салбий оқибатлари яқин йилларгача таъсир кўрсатиб келди. 1980-йилларга келиб қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволи ночорлашиб, томорқа ерларга бўлган эҳтиёжи жуда ошиб кетди. Республикамиз аҳолисининг иқтисодий ва моддий аҳволини яхшилаш заруратини чуқур англаган республикамиз раҳбари мустақиллик арафасидаёқ аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим бир масалани – қишлоқ аҳолисига томорқа ер бериш масаласини кун тартибига қўйган эди. 1989 йил 17 августда Республика ҳукумати "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида" қарор қабул қилган эди. Қарорда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотиҳдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди [1.12-13].

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув

* Бухорода 1 таноб 0,33 десятинага тенг бўлган.

туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Бундан ташқари, юз минглаб гектар суғориладиган ерлар техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилди. Бу пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

1925-1929 йиллардаги ислоҳотнинг таркибий қисмларидан бири қишлоқда ер эгалигининг тугатилиши бўлди. Ислоҳот натижасида йирик ер эгалиги барҳам топди. Бошқача айтганда, қишлоқ тадбиркорлиги имкониятлари чеклаб қўйилди, асрий анъаналарга путур етди. Деҳқонларда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси сўниб борди.

Бугунги кунда эса республикамизда қишлоқда яна қайтадан мулкдорлар қатлами шакллантирилди, ерлар деҳқон-фермерлар қўлига ишониб топширилди. Қисқача айтганда, тадбиркорларга жуда катта имконият ва шароитлар яратиб берилди. Бунинг самараси ўлароқ, аҳолининг яшаш шароитлари ҳам яхшиланиб, турмуш даражаси кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Бошқа бир томондан эса республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик масаласи ҳал этилди. Маълумки, ишсизлик, бекорчилик жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларга, жиноятлар содир этилишига сабаб бўлади. Шунга кўра, аксариятининг касб-ҳунари йўқ, меҳнат қилиш кўникмасига эга бўлмаган ёшларга ер участкаларининг ажратиб берилиши уларни меҳнат қилишга рағбатлантирди, ёшларда ерга эгалик ҳисси, меҳнат кўникмалари шаклланди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. – Ташкент: Изд. АН. УзССР, 1962
3. ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 324-иш.
4. ЎзР МДА, 837-фонд, 27-рўйхат, 1379-иш.
4. ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 4360-иш.
5. “Камбағал деҳқон”.- 1928.- 14 декабрь

Андижон давлат университети,
2012 йил 10 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)